



ОҚСИЛ ЮКЛАМАЛИ ОВҚАТЛАНИШДА ТАНА ВАЗНИ ВА АЪЗОЛАРНИНГ УМУМИЙ ХОЛАТИДАГИ ГИСТОСТРУКТУРАВИЙ ЎЗГАРИШЛАРИ

Умарова Н.А.

Андижон давлат тиббиёт институти

✓ *Резюме*

Ушбу тадқиқот ишида нораціонал оқсил юкломали овқатланишда тажриба ўтказилган ва уларнинг ички аъзоларга таъсири ўрганилган.

Калит сўзлар: Нораціонал оқсил юкломали овқатланиш, ёғ, углевод, сув, минерал моддалар, витаминлар, гипотрофия ва спортчилар.

ГИСТОСТРУКТУРНЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ МАССЫ ОРГАНОВ И ОБЩЕГО СОСТОЯНИЯ ТЕЛА ПРИ НЕРАЦИОНАЛЬНОМ БЕЛКОВОМ ПИТАНИИ

Умарова Н.А.

Андижанский государственный медицинский институт

✓ *Резюме*

По поводу этого эксперимента было проведено научное исследование и изучено его действие на строение внутренних органов.

Ключевые слова: Нерациональное белковые питание, белки, углеводы, жиры, витамины, гипотрофия, спортсмены.

HISTOSTRUCTURAL CHANGES IN BODY WEIGHT AND CONDITION OF ORGANS IN IRRATIONAL PROTEIN NUTRITION

Umarova N.A.

Andizhan State Medical Institute

✓ *Resume*

In this research experiments were performed in irrational protein nutrition and their effects to internal organs were studied.

Keywords: irrational protein nutrition, protein, carbohydrates, fats, vitamins, malnutrition, athletes

Долзарблиги

Бугунги кунда Республикамиз аҳолисини рационал овқатланишини ташкил қилиш баркамол авлодни тарбиялашда нақадар муҳим муаммолардан бири эканлиги барчамизга маълум.

Давлатимиз томонидан ушбу муаммони бартараф этиш бўйича қатор ижобий ишлар олиб борилмоқдаки ва у ўз самарасини бермоқда. Жумладан, ҳозирга қадар Республикамизда истиқомат қиладиган аҳолини овқатланишини ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, уларнинг аксариятида мактаб ўқувчиларининг озиқ моддалар билан таъминланиш даражаси таҳлил қилинган, шунингдек оқилона овқатланишни ташкил қилиш бўйича айрим таклифлар берилган. Бироқ ҳали бу борадаги тадбирларни давом эттириш, айтиб ўтилган аҳоли контингентининг овқатланиши билан боғлиқ масалаларни илмий нуқтаи-назардан янада чуқурроқ ўрганиш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Одам организми яшаши ва кундалик энергетик эҳтиёжини овқат орқали оқсил, ёғ, углевод, сув, минерал моддалар, витаминлар ва бошқа қўшилмалардан иборат бўлади. Модда ва энергия алмашинуви жараёнларида юқорида кўрсатилган моддалар меъерий яшаш ва фаолият тарзини амалга оширади. Овқатга бўлган талаб одамнинг ёши, жинси, касби, яшаш тарзи, худуди, меҳнат шароити ва шуғулланаётган жисмоний тарбия турига боғлиқ. Рационал овқатланиш қоидаларининг бузилиши инсоният ҳаётида кўплаб учрайдиган ҳолатлар: яъни, оч қолиш (зилзила, сув тошқинлари ва бошқа табиий офатларда), руҳий касалларда, иштаҳани пасайиши билан кечадиган турли хил касалликларда, узоқ муддатли кома ҳолатларида, оқсилли парҳезларда (гипотрофияда, спортчиларда...) ва турли хил касалликларда кузатилади. Бу ўз навбатида аъзо ва тўқималарда турли хил патологик ўзгаришлар келиб чиқишига олиб келади. Ушбу ўзгаришларни ўрганиш тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Аъзо ва тўқималарни турли хил таъсирларга, ўзгаришларга компенсатор мосланиш жараёнларини ўрганиш учун кўплаб клиник ва экспериментал изланишлар олиб борилган. Организмдаги компенсатор мослашув ўзгаришлар овқат таркибидаги оқсиллар, ёғлар, углеводлар, минерал тузлар ва витаминлар миқдори ва сифатига боғлиқ.

Кунлик озиқ-овқатлар таркибидаги оқсиллар организмдаги органик моддалар ичида миқдор ва аҳамияти жиҳатидан биринчи ўринни эгаллайди. Оқсиллар организмда бир қанча муҳим пластик, бошқарув ва сигнал, каталитик, ҳаракатланиш, транспорт, ҳимоя, энергетик ва бошқа вазифаларни бажаради. Шу сабабли, кунлик озиқ-овқат таркибидаги оқсил миқдори меъериди бўлиши керак. Қабул қилинаётган овқат таркибидаги оқсилнинг миқдори ва сифати ўзгариши натижасида организм тўқима ва ҳужайраларида рўй берадиган компенсатор мослашув ўзгаришлари тиббиётнинг етакчи муаммоларидан бири ҳисобланиб, нораціонал оқсилли овқатланишда аъзо ва тўқималардаги структур функционал ўзгариш ҳолатлари ўрганиб келинган.

Адабиётлардаги ва интернетдаги маълумотлар ўрганилганда оқсилли овқатланишда меъда, буйрак, жигар, ва бошқа аъзоларнинг морфофункционал ўзгаришлари ўрганилаётганлиги маълум, лекин ҳазм жараёнларида муҳим ўрин тутадиган йўғон ичакда кечаётган асосий морфофункционал ўзгаришлар, силжишлар ва структур ўзгаришлар етарлича ўрганилмаганлиги маълум бўлди.

Тадқиқот мақсади: Оқсил юкламали овқатланиш жараёнини эспериментал тажриба сифатида ўрганиш.

Материал ва услублар

Тадқиқот объекти сифатида умумий тана вазни 160 грамм бўлган, 20 дона оқ, эркак жинсига мансуб, постнатал онтогенезнинг 120-суткасидаги тажриба каламушлари олинди. Тажриба 60 сутка давом этиши белгиланди. Биринчи гуруҳ назорат гуруҳи бўлиб, виварий рационда (қотган нон, дон маҳсулотлари, турли хилдаги сабзавотлар, кўкатлар... ва сув) озиқлантирилди. Иккинчи гуруҳ эспериментал тажриба ҳайвонлари бўлиб 60 сутка мобайнида фақат бир хил турдаги озиқ- қайнатилган тухум оқсил билан боқилди.

Натижа ва таҳлиллар

Оқсил юкламали озиқлантирилган тажриба каламушлари йўғон ичагидан тайёрланган микропрепаратлар таҳлили шуни кўрсатадики, оқсил юклама билан озиқланган тажриба каламушлар йўғон ичаги шиллик қават морфогенезига сезиларли таъсир кўрсатди. Биринчи гуруҳ назорат гуруҳи ҳайвонларнинг ташқи кўринишида, тажриба бошланган кундан бошлаб секин аста юнглари тозаланиб, ранглари тиниқлашиб борди. Тажриба якунида юнгларининг узунлиги ва қалинлиги сезиларли даражада ортиб, бир оз хурпайди. Бу гуруҳ ҳайвонлари ташқи турли хил таъасуротларга сезгирлиги ва таъсирчанлиги пасайиб мостлашиб борди. Иштаҳаси эса тажрибанинг учинчи кунда энг юқори бўлиб, кейинчалик секин аста стабил ҳолатга ўтди.

Иккинчи эспериментал тажриба гуруҳи ҳайвонлари ташқи кўриниши тажрибанинг еттинчи кунига, юнглари тозаланиб тиниқлашиб борди, сўнгра секин аста нурсизланиб, хиралашиб, сийраклаша бошлади. Тажриба якунига келиб юнглари хира, нозик ва сийрак ҳолатга келди. Бу ҳайвонларнинг ташқи таъсирларга сезгирлиги (айникса шовқинга, ёруғликка) тажрибанинг

еттинчи-саккизинчи кунидан бошлаб орта бошлади, тажрибанинг 60-суткасига келиб ҳар қандай таъсирга ҳам ортиқча таъсирчан бўлиб қолди. Бу гуруҳ ҳайвонларининг иштаҳаси ўзгарувчан ҳолатда бўлиб, тажрибанинг бешинчи суткасида энг юқори, ўнинчи суткасида энг паст даражага тушиб кетди. Умумий ҳолатда тажрибанинг ўн бешинчи суткасида бошлаб тажриба якунига қадар иштаҳа секин аста пасайиб борди.

Биринчи назорат гуруҳи ҳайвонларининг тана вазни тажрибанинг якунигача ортиб борди. Айниқса тажрибанинг биринчи ярмида кескин ортиб борди. Ўн олтинчи кундан бошлаб, эса ўсиш бироз секинлашди ва тажриба якунига қадар бир меъёрда ортиб борди. Назоратдаги биринчи гуруҳ ҳайвонларининг, тажрибанинг биринчи ярмида ўртача тана вазни 38% га, иккинчи ярмида эса 10% га ортганлиги аниқланди. Фақат тухум оқили билан боқилган тажриба ҳайвонларининг тана вазни, тажрибанинг биринчи кунидан ўнинчи кунигача секин-аста 20% гача камайиб борди, тажрибанинг ўн биринчи кунидан бошлаб, тажриба якунигача секин аста камайиб борди.

Биринчи назорат гуруҳи ва иккинчи оқсил юкламали тажриба гуруҳи ҳайвонларининг тана вазини тажриба давомида таққосланганда, тажриба гуруҳи ҳайвонларининг тана оғирлигини кескин орта қолганлиги, уларнинг ўсиши ва ривожланишини ҳам орта қолганлигини кўрсатмоқда.

Хулоса

Оқсил юкламали озикланиш, организмга стресс таъсирловчи омил сифатида таъсир этиб, иштаҳа йўқолиши, хазм тизими аъзоларига кучли таъсир ўтказиш натижасида умумий тана вазини камайиши, асаб тизимини зўриқиши, ташқи таъсирларга сезгирлиги (айниқса шовқинга, ёруғликка) ортиши ва фенотипик тузилишига нојўя таъсир кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Дилекова О. В. Морфофункциональная характеристика многокамерного желудка овец в; пренатальном онтогенезе: /Дис. . канд. ветеринар, наук / О. В: Дилекова. М., 2006. - 133 с.
2. Покровский В. И. Политика здорового питания. Федеральный и региональный уровни / В. И. Покровский, Г. А. Романенко, В. А. Княжев. Новосибирск: СУМ, 2002. - 19 с.
3. Санжапова А.Ф. Особенности постнатального морфогенеза слизистой оболочки фундального отдела желудка белых крыс при длительном потреблении диспергированной пищи / автореф. дис. канд. мед.наук / Санжапова А.Ф.Ульяновск 2008 г.
4. Абатуров Б. Д. Кормовые ресурсы, обеспеченность пищей и жизнеспособность популяций растительноядных млекопитающих / Б. Д. Абатуров // Зоологический журнал. — 2015. — Т. 84, № 10. — С. 1251-1271.
5. Anderson R. Potential antioxidant effects of zinc and chromium supplementation in people with type 2 diabetes mellitus / R. Anderson., A. Roussel., N. Zouari // J. Am. Coll. Nutr. 2011. - Vol. 20, № 3. -P. 212-218.
6. <http://www.aptecka.ru>
7. <http://www.curaremed.ru>
8. <http://www.doktor-zdorovie.ru>
9. <http://www.gigal.uz>
10. <http://www.gkl.uz>
11. <http://www.Lex.uz>

Қабул қилинган сана 09.06.2022